



TOSHKENT  
FARMATSEVTIKA  
INSTITUTI

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTINING  
85 YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN  
**"FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI:  
MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR"**  
MAVZUSIDAGI III XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI  
MATERIALLARI

МАТЕРИАЛЫ III МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ,  
ПОСВЯЩЕННОЙ 85-ЛЕТИЮ  
ТАШКЕНТСКОГО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА  
**«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ  
ОТРАСЛИ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

ABSTRACT BOOK OF THE 3<sup>RD</sup> INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE  
DEDICATED TO THE 85<sup>TH</sup> ANNIVERSARY OF THE  
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE  
**"MODERN PHARMACEUTICS:  
ACTUAL PROBLEMS AND PROSPECTS"**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI**

**THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTINING  
85 YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN  
“FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI:  
MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR”  
MAVZUSIDAGI III XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI**

**МАТЕРИАЛЫ III МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ,  
ПОСВЯЩЕННОЙ 85-ЛЕТИЮ  
ТАШКЕНТСКОГО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА  
«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ:  
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

**ABSTRACT BOOK OF THE 3<sup>RD</sup> INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND  
PRACTICAL CONFERENCE DEDICATED TO THE 85<sup>TH</sup> ANNIVERSARY OF THE  
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE  
“MODERN PHARMACEUTICS: ACTUAL PROBLEMS AND PROSPECTS”**

**«IBN-SINO»  
TOSHKENT – 2022**

//Холикназарова Ш.Р., Кадирберганова С.У., Шомуротов Ш.А.....	226
YALLIG'LANISHGA QARSHI "DIABDERM" ERITMA (SPREY) TARKIBI VA TEKNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH	
//Xusenova Sh.Sh., Fayzullaeva N.S.....	226
TOPINAMBURNI QURITISHDA GIDRODINAMIK QURITISH REJIMLARINI O'RGANISH	
//Yusupova N.F., Donaeva K.E.....	227
LIZIN OLİSH TEKNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH	
//Yusupova N.F., Usmanova Z.U., Tayirova D.B.,.....	228
KALANCHOE CRENATA HAW ASOSIDA STOMATOLOGIK GEL DORI TURINI ISHLAB CHIQISH BORASIDA TADQIQOTLAR	
//Nazarov Z.A., Ziyamuxamedova M.M., Kamolova X.A.....	228
ПОЛУЧЕНИЕ СУХОГО ЭКСТРАКТА ТРАВЫ ЧИСТОЕЛА	229
//Абдуназарова Н.Б.....	
ХУСНБУЗАРГА ҚАРШИ КРЕМ УЧУН АСОС ТАНЛАШ	
//Арипова Н.Х., Ризаева Н.М., Нематова Р.....	230
РАЗРАБОТКА СОСТАВА КРЕМА ТЕФЭСТРОЛА НА ОСНОВЕ ЭКСТРАКТА РАСТЕНИЙ БОРОВОГО МАТКА	
//Бурхонова С.К Мадрахимов Ш.Н.....	231
НОВЫЙ ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ РАСТИТЕЛЬНЫЙ ГЕПАТОПРОТЕКТОР «ГЕПАПРОТ НЕО»	
//Искандаров С., Искандарова Л.М.....	231
EUPHORBIA FERGANENSIS ЎСИМЛИГИДАН ПОЛИФЕНОЛЛАР ЙИФИНДИСИ АЖРАТИБ ОЛИШНИНГ МАҚБУЛ ШАРОИТИ	
//Рахимов Р.Н., Кадирова Ш.О., Абдулладжанова Н.Г.....	232
DEKSKETOPROFEN SUBSTANSIYASINING TEKNOLOGIK XOSSALARINI O'RGANISH	
//Usmonova M.K., Maksudova F.X.....	233
РАЗРАБОТКА СОСТАВА И ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ДИЕТИЧЕСКОЙ ДОБАВКИ В ВИДЕ ГРАНУЛ «КАХИНОЛ» С АНТИОКСИДАНТНОЙ АКТИВНОСТЬЮ, ПРИМЕНЯЕМОЙ ПРИ СИНДРОМЕ ПОЛИКИСТОЗА ЯИЧНИКОВ	
//Маслов А.Ю., Комиссаренко Н.А., Колесник С.В.....	233
МАҲАЛЛИЙ SILYBUM MARIANUM ЎСИМЛИГИДАН ҚУРУҚ ЭКСТРАКТ АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	
//Эргашева М.Н., Махмуталиева М.М., Фозилжонова М.Ш.....	234
CRATAEGUS PONTICA K.KOSH. ЎСИМЛИГИ БАРГЛАРИДАН ПОЛИФЕНОЛЛАР АЖРАТИБ ОЛИШНИНГ МАҚБУЛ УСУЛИ	
//Олимов Х.К., Раимова К.В., Абдулладжанова Н.Г.....	234
“ЦЕРУМАКС ФОРТЕ” ТАБЛЕТКАЛАРИ ДАСТЛАБКИ ХОМ АШЁЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ	
//Самединова Д.Н., Юнусова Х.М.....	235
«ЦЕРУМАКС ФОРТЕ» ТАБЛЕТКАЛАРИ ПРЕССЛАНАДИГАН МАССАЛАРИНИНГ НАМ ЮТИШ КИНЕТИКАСИНИ ЎРГАНИШ	
//Самединова Д.Н., Юнусова Х.М.....	235
СУЛИ МЕВАСИ СУЮҚ ЭКСТРАКТ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЭКСТРАКЦИЯ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР	
//Ражабова И.А., Шарипова И.Ш., Ташпулатова Н.Х.....	236
ТУТ ЎСИМЛИГИ БАРГЛАРИДАН БИОТЕХНОЛОГИК УСУЛ ЁРДАМИДА ЧОЙ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	
//Тайирова Д.Б., Азимова К.Б.....	237
БАЛҒАМ КЎЧИРУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ОИД	
// Мирзакамалова Д.С., Кариева Ё.С., Саъдуллаева Ж.Б.....	238
ҚУШТОРОН НАСТОЙКАСИ АСОСИДА ПОЛИМЕР ДОРИВОР ПАРДАЛАРНИНГ МҮЪТАДИЛ ТАРКИБНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	
//Тураева Г.М., Абдувалиева М.А., Юнусходжаева Н.А.....	239
СЕДАТИВ ТАЪСИРГА ЭГА “ЛЕОФЛОМИС” ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ	
//Умарова Ф.А., Ризаев К.С., Олимов Н.К., Сидаметова З.Э.....	239
INONOTUS HISPIDUS ХОМ-АШЁСИДАН УЛЬТРАТОВУШ ЁРДАМИДА МЕЛАНИННИ ЭКСТРАКЦИЯЛАБ АЖРАТИБ ОЛИШ	
//С.Б.Хайтметова, А.С.Тураев, Г.А.Халилова, С.Р.Маккамбоева.....	240
АНОР МЕВАСИ ПУСТЛОГИНИ ҚУРУТИШ ВА МАЙДАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ	

**СУЛИ МЕВАСИ СУЮҚ ЭКСТРАКТ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЭКСТРАКЦИЯ ЖАРАЁНИГА  
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**  
Ражабова И.А., Шарипова И.Ш., Ташпулатова Н.Х.  
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси  
e-mail:tashpulatovanasibakhon@mail.ru

**Долзарблиги:** маълумки, сули – (Avena), бошқоқдошлар (галлагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар авлоди бўлиб, Мамлакатимизда, Украина, Белоруссия, Болтик бўйи республикалари, Қозогистонинг шимолий районларида етиширилади. Адабиётларда келтирилишича сули мевасида куйидаги биофаол моддалар борлиги аникланган: полисахаридлар ўртача 15,5 %, ёглар 3%, флавоноидлар 0,028%, умумий оқсил 10,06%, эрувчан оқсил 2,66%, витаминлар (B<sub>1</sub>,B<sub>2</sub>,B<sub>3</sub>,B<sub>6</sub>, PP)ни ташкил этган. Халқ табобатида сули мевасидан тайёрланган қайнатма жарроҳликни бошдан кечирган ва касаллик оқибатида холсизланиб колган беморга кувват бўлиш учун тавсия этилади. Буйрак касалликлари (ковукнинг яллигланиши, уретрит, пешоб йўлларида тош йигилиши)да, жигар касалликларида, асад тизими ўта чарчаганда, уйкузисликда, тери хасталикларида, куйишида, вирусли гепатитда, ошқозон ва ўн икки бармокли ичак касалликларида, ўпка силида кувват ато этувчи таъсир кўрсатиб, организмнинг хасталикка карши курашиб қобилиятини оширади. Юқоридагиларни инобатга олган холда янги, юкори биологик самараదорликка эга бўлган, безарар, импорт ўрнини босувчи дори препаратлари технологиясини яратиш, уларни фармацевтика ва тиббиёт амалиётига жорий этиш алоҳида долзарблики касб этади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** маҳаллий ўсимлик хом ашёси сули меваси суюқ экстракт технологиясида экстракция жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ишнинг мақсади қилиб белгиланди.

**Усул ва услублар:** Гален препаратлар технологиясида ажратма олишда ажратувчининг таъсири катта. Тажрибани мақсадга мувофиқ ажратувчини танлашдан бошланди. Ажратувчи сифатида 20%, 40% ва 70% ли этил спиртлардан фойдаланилди. Тажриба натижалари шуну кўрсатдики, 40% этил спиртида олинган ажратма таркибидаги экстрактив моддалар микдори бошқаларга караганда кўп микдорда ажралиб чикиши кузатилди. Ажратмалар таркибидаги флавоноидлар микдори ЮССХ усулда аникланди. Олинган ажратмалар таркибидаги курук колдик микдори гравиметрик усулда аникланди.. Ўсимликлар хом ашёси 40% ли этил спиртидан кичик ва катта кувватдаги ажратувчилар ёрдамида олинган ажратмалар таркибида таъсир килувчи моддаларни кам ажралиб чикиши кузатилди. Сифатли ажратма олиш жараёнига хом ашёни майдалик даражаси ҳам бевосита таъсир килади. Хом ашё қанчалик майда бўлса, уни юзаси катта бўлиб, ажратувчи билан мулокоти яхшиланади натижада биофаол моддалар билан бегона моддаларни ажратувчига ўтиш жараёни тезлашади. Олинган ажратмани тиниқлиги талабга жавоб бермаслиги кузатилади. Ажратмалар ташки кўриниши тиник бўлишини таъминлаш мақсадида хом ашё 0,1; 0,25; 0,5; ва 1,0 мм майдалик даражасигача майдалаб сараланди.

**Натижалар:** суюқ экстракт - сарғиши рангли, ўзига хос хид ва таъмга эга тиник суюқлик. Турли усулларда олинган сон кўрсатгичларидан қурук колдик – 4,40%, оғир металл тузлари 0,01%, хом ашёнинг майдалик даражаси 0,5 мм ни ташкил этди. Экстрагент сифатида 40% ли этил спирти устун эканлиги илмий асосда тасдикланди ҳамда мақсадга мувофиқ деб перколация усули танлаб олинди.

**Хуносалар:** Моддалар алмашинувини яхшиловчи, холестерин хайдовчи таъсиргага эга бўлган сули мевасидан суюқ экстракт технологияси экстракция жараёнига таъсир этувчи омиллари ўрганилди: ташки кўриниши, майдалик даражаси, қурук колдик, оғир металлар микдори, спирт куввати ва зичлиги бўйича аникланди.

**ТУТ ЎСИМЛИГИ БАРГЛАРИДАН БИОТЕХНОЛОГИК УСУЛ ЁРДАМИДА ЧОЙ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**  
**Тайирова Д.Б., Азимова К.Б.**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси  
e-mail: dilobartayirova@mail.ru

**Долзарблиги:** чой маҳсулоти дунё миқёсида энг кўп истеъмол қилинадиган ичимликлардан бири хисобланади. Тут баргларидан тайёрланган чой маҳсулотлари ўзининг шифобахшлиги, минераллар ва витаминларга бойлиги билан аҳамиятлиdir.

Тут чойин инсон организмига фойдалиdir, чунки у қандли диабетга карши ва антиоксидант фаолликка эга. Чой иммунитет тизимини самарали равишда мустаҳкамлайди, жароҳатни даволашга ёрдам беради, ўсмалар, юрак-кон томир касалликлари ва тишларнинг емирилишига йўл кўймайди. Чой минераллар ва витаминларга шу жумладан. калций, калий, темир сулфат, рух, А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С, витаминлари, аминокислоталар ва антиоксидантларга бой, саратон хавфини олдини олади.

Чой ёш билан боғлик бўлган касалликларда, юкори кон босимида ёрдам беради, тана вазнини бошқаради, кучли тарангликни енгиллаштиради. Тут баргларининг энг ажойиб фазилатларидан бири шундаки, у шакарни конга киришига тўсқинлик қиласи. Буларга қўшимча қилиб, тут баргларидан тайёрланган чойдан, экстрактлардан диабетга қарши, микробиологик, антиоксидант, ўсимтага қарши, асабларни тинчлантирувчи, иммуномодулятор, анксиолитик, гипохолестролемик, нефропротектив, гепатопротектив, гиперлипидемия каби турли хил таъсирларга қарши ва меланин биосинтезида, психиатрик касалликларда, ичак ва нафас йўлларининг